

ИРОДА ТИЛИ, ЗАИФ ЭШИТУВЧИ КАР ВА СОҚОВ ИНСОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мараимова Гўзал Гайрат кизи

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
Социология йўналиши талабаси*

Аннотация: *Мазкур маъқолада жамиятимизнинг бир қисми бўлган эшитиш қобилиятини йўқолиши ёки бузулиши оқибатида заиф эшитувчи, кар ва соқовларнинг метн иродаси уларнинг мулоқот усуллари, ижтимоий ҳаёти, жамиятдаги ўрни, уларга яратилган имкониятлар ва уларда ижтимоийлашув муаммолари ва бу соҳада қилинаётган ишлар кўлами, самарадорлиги ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Ахборот блокадаси, концептуал аппарат, конфигурация, РЖЯ, дактил алифбоси.*

Мараимова Гузал Гайрат кизи

*Язык воли, улучшение социализации глухонемых людей
Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Студент специальности "Социология"*

Аннотация: *В данной статье будет рассказано о людях являющихся частью нашего общества обладающим невероятным силой воли слабослышащих и глухонемых людей. Способы их общения, социальная жизнь, роли в обществе, создаваемые государством для них возможности, проблемы социализации, а также о масштабах и эффективности работы, проводимой в этой области работы для улучшения социализации слабослышащих и глухонемых людей.*

Ключевые слова: *Информационная блокада, концептуальный аппарат, конфигурация, РЖЯ, дактильный алфавит.*

Maraimova Guzal

*The language of will, improving the socialization of deaf-mute people
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Student of "Sociology"*

Abstract: *This article will tell about people who are part of our society with incredible willpower of hard of hearing and deaf-mute people. Ways of their communication, social life, roles in society, opportunities created by the state for them, problems of socialization, as well as the scale and effectiveness of the work carried out in this area to improve the socialization of hard of hearing and deaf-mute people.*

Keywords: *Information blockade, conceptual apparatus, configuration, RSL, dactyl alphabet.*

Эътиборингизни орттирилган ирода, матонат ва буюкликка эмас, туғма иродага интилишга мажбур бўлган сукунат ичра ўз забонини, ўзлигини очиб бера олган жамиятимизнинг матонатли, интилувчан қисми бўлган инсонларига қарата йўналтирамиз. Заиф эшитувчи ва бутунлай эшитиш қобилиятини йўқотган ва гапира олмайдиган инсонларнинг ҳам мулоқотга интилиш зарурияти хаёт давомийлигида мулоқотга эҳтиёжи пайдо бўлди. Тарихдан маълумки, инсоният доимо изланишга мойил мавжудот сифатида ўзининг хаёлларидаги гапларини, қалб кечинмаларини, эҳтиёжларини, табиат ходисаларини тасвирлайдиган имо-ишораларни ўйлаб топишга, шу имо-ишоралар ёрдамида инсоний имкониятлари тўлиқ ривожланган инсолар билан мулоқотга киришишга интилишди ва бунинг уддасидан чиқа бошлади. Асрлар давомида имо-ишоралар ўзгариб, такомиллаштирилиб ўз маъқомига келтирилди.

Эшитиш қобилиятининг йўқолиши ёки бузулишининг сабаблари жуда хилма-хилдир: сурункали дори-дармонларни қабул қилиш, турли касалликлардан кейинги асоратлар, болаликдаги ва катталардаги жарохатлар, ирсият ва бошқа омиллар сабабли келиб чиқиши мумкин, жамият томонидан карликни келтириб чиқарувчи асосий омил ирсий омил дея хисобланади. Бироқ дунё давлатлари статистикасига таянган холда айтиш жоизки, дунёдаги кар болаларнинг атиги 14 (%) фоизи кар оналар оиласида туғилишини билишимиз мумкин, қолган 86 (%) фоизи эса эшитиш қобилиятига эга оилаларда туғилади. Карлар ақлий заиф одам эмас, карлар интеллектуал жихатдан тўлиқ одамлардир. Уларнинг умумий муаммосидан бири, узоқ муддатли ахборот блокадасидир.

Ахборот блокадаси нима? Хаётнинг биринчи йилларида одам нутқ ва асосий концептуал аппаратни ривожлантиради. Эшитиш бўлмаса биламизки бу жараёнлар мавжуд эмас. Имконияти чекланган одамлар орасида эшитиш қобилияти заиф одамлар алоҳида ўрин тутади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, жамоат олдида карларга ногирон шахслар дея қаралмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида карларнинг имо-ишора нутқини расмийлаштирилишининг тарихи 1929-йил 21-майдаги Ўзбекистон карлар жамиятининг расмий ташкил этилиши билан боғлиқдир. Юртимиздаги бундай ногиронлиги бор кар фуқаролар мустақилликкача Россия имо-ишора нутқидан (РЖЯ) ва дактил алифбосидан фойдаланишган. Республикамиздаги кар ва заиф эшитувчи болаларнинг махсус боғчалари, мактаб-интернатларининг таълим жараёнида шу алифбодан кенг фойдаланилади. Имо-ишор орқали коммуникацияга киришишнинг ўзини, ажойиб ходиса десак муболаға бўлмайди. Бунда ҳар бир имо-ишораларнинг тузилишини ифодалашда уларнинг конфигурацияси (конфигурация ҳар бир қўлнинг бармоқларини, кафтларининг ҳолатини белгилайди), фазовий ҳолати (имо-ишоранинг бурун ёнида ёки чакка ёнидалиги, унинг йўналиши, олдинга-ўннга), ҳаракати каби таркибий қисимларининг ўзига хослиги (ҳаракатларнинг хусусиятлари, кескин,

силлиқ шунга ўхшаш белгилар), бу инсонларнинг ўзлигини, фикрларини намоёиш қилишидаги муҳим воситалиги, инсон имкониятларининг ҳар қандай мураккаб вазиятдан, онгли мавжудот эканлиги орқали ғалабага эришиши мумкинлигини яққол исботи эканлиги янада руҳлантиради.

Карлар жамияти кам ўрганилган ва ҳозирда ўрганилиши зарур бўлган йўналиш бўлиб, унинг ижтимоий умумийлик жихатларини ишлаб чиқиш, таснифлаш ва эмпирик маълумотларни тўплаш ва тизимлаштиришни, жамиятнинг заиф эшитувчиларга бўлган муносабатини яхшилаш ва коммуникацияни ривожлантиришда ҳар биримизнинг кичик муносабатимиз, улкан хиссалар йиғиндисига айланиши ва натижа бериши шубҳасиз.

Социология нуқтаи назаридан кам ўрганилган ижтимоий гуруҳ сифатида карларнинг социал-маъданиятини таҳлил қилиш ва давлатимизда кар ва заиф эшитувчи инсонларга муносабатни яхшилаш, улар билан мулоқотга киришиш, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги юзага келадиган муаммо ва ёрдамга мухтож соҳаларида кенг қўламли ишлар олиб борилишида ислохотлар қилишда, ҳар биримизнинг иштирокимиз жуда муҳимдир. Ушбу маъқоланинг мақсади узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган заиф эшитувчилар жамиятининг муаммосини ностандарт нуқтаи назардан ажратиб кўрсатишдир ва Ўзбекистонда кар ва заиф эшитувчиларнинг ижтимоийлашувини яхшилашга қаратилгандир.

Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар:

1. <https://uz.hydroponicsbc.com>
2. <https://www.who.int>
3. “Сурдотаржимонлик ва имло-ишорали нутқ методикаси” Ўзбекистон карлар жамияти-Ф.Ф. Парамонова.